



## Савол:

Бизлардан алдокчи-товламчи бир инсон, бегона юртларда, сизларга иш топиб бераман деб, алдов йўли билан пулимизни олиб, алдаб бермай келмокда, уни ундиришимиз учун кандай йўл тутмогимиз керак?

## Жавоб:

Сизлар яхшилик билан ундан пулнинг маълум кисмини кайтариб олишга харакат килинглари агар иложини кила олсангизлар яхши. Агар бунинг яхшилик билан иложи бўлмаса унга тахдид килинглари у киламиз, бу киламиз деб. Лекин айтган тахдидинглари килмайсизлар бу факат тахдид, холос. Сизлар хозир кофир юртдасизлар у ерда сизларга исломий хукм чиқариб берадиган у ёкда турсин ана шу юртнинг кофир судига хам мурожаат кила олмайсизлар. Унга юртимизда бир нарса киламиз деб хам тахдид килинглари. Хар холда сизларни бошка иложинглари йўк. Ислом сизларга пуллариингни иложини килсангизлар кайтариб олишдан бошка хукукни бермайди. Шикоят Аллохга килинади агар дунёда ололмасангизлар Охиратда оласизлар.

Аллох сизларга сабр берсин. Бундан кейин бошка биродарлар хам сизларга ўхшаб алданмасликлари учун юртдаги иш излаганларга бу киссаларни айтиб беринглари.

Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам айтадилар: “Мўъмин бир индан икки бор чакилмайди” шунга каттик амал килинглари.